

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

«_____» ХК

«___» _____ 20__ й.

МАИШИЙ ТЕХНИКАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ УСТАХОНАСИ

БИЗНЕС РЕЖА

Лойиҳанинг умумий қиймати:	60 000 000 сўм
Қарз (кредит) маблағлари:	50 000 000 сўм
Ўз маблағи:	10 000 000 сўм
Кредит муддати:	36 ой (3 йил)
Имтиёзли давр:	6 ой
Кредит фоизи:	16%



МУНДАРИЖА

1. Лойиҳанинг мақсади
2. Лойиҳанинг қиймати
3. Ташкилий режа
4. Ишлаб чиқариш режаси
5. Молиявий режа
6. Хулоса

ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАДИ

Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад, маиший техникаларни таъмирлаш устахонасини ташкиллаштиришни асослашдир.

Тадбиркор белгиланган фаолият турига асосланиб, яроқсиз ҳолдаги маиший техникаларни халқимизга арзон ва сифатли тарзда тузатиб, етказиб бериш ҳамда 2 нафар кишини иш билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳар йили бозорда тобора мураккаб ва қиммат маиший техника анжомлари кўпайиб бормоқда. Бу доимий ташҳисни, профилактик хизматни ва албатта, таъмирлашни талаб қилади. Шу сабабли, маиший техникаларни таъмирлаш устахонасини очиш ҳар доим долзарб ғоя ҳисобланади. Бундай бизнесни очиш учун ягона нарса, сиз ўзингиз ушбу техникани тушунишингиз керак, акс ҳолда сиз рақобат муҳитида омон қолмайсиз.

Мазкур турдаги бизнесни бошлаш учун бирламчи ва зарурий ҳисобланган асбоб-ускуна ва дастгоҳларни импорт маҳсулотларига бой бўлган ўзбек техника расталаридан топиш мумкин. Айнан шу тадбиркорлик турига йўналтирилган асбоб-ускуна турини тахминан 50 000 000,0 сўм атрофидаги маблағга харид қилиш мумкиндир.

ЛОЙИҲАНИНГ ҚИЙМАТИ

Лойиҳанинг умумий қиймати 60 000 000,0 сўмни ташкил этади. Шундан, асосий капиталнинг қиймати 50 000 000,0 сўмни, оборот капиталнинг қиймати 10 000 000,0 сўмни ташкил этади.

Лойиҳани амалга ошириш учун, лойиҳа ташаббускори томонидан ва банкнинг кредит маблағлари ҳисобидан металл, темир кесадиган, пайвандлайдиган, қайта ишлайдиган ускуналар ва таъмирлаш учун керак бўладиган асбоб-ускуналар ва ёқилғи мой маҳсулотларини олиш режалаштирилган.

1-жадвалда лойиҳа қиймати аниқ кўрсатилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати

1-жадвал

№	Номи	Тадбиркор ҳиссаси (минг сўм)	Банк кредити (минг сўм)	Умумий қиймати (минг сўм)
1	Металл, темир кесадиган, пайвандлайдиган, қайта ишлайдиган ускуналар		50 000	50 000
2	Хом-ашё, мой	10 000		10 000
	ЖАМИ	10 000	50 000	60 000

Лойиҳада ҳисоб-китоблар учун қабул қилинган кредит шартлари

1. Кредит миқдори – 50 000 000 сўм
2. Қайтариш муддати – 3 йил (36 ой)
3. Имтиёз даври – 6 ой
4. Йиллик фоиз ставкаси – 16%
5. Кредитни ёпиш – 6 ойлик имтиёзли давр тугагандан сўнг 30 ой давомида бир хил қийматда қайтариш.
6. Гаров сифатида - кредит суммасининг 125% дан кам бўлмаган миқдордаги мулк билан таъминланади (кўчмас мулк, автотраспорт ва х.к.)

Кредит ва ўз маблағи ҳисобига олдинадиган технологик асбоб-ускуналар рўйхати ва нархи

2-Жадвал (минг сўм)

№	Асбоб-ускуналар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Ампервольтер	Дона	2	2 000	4 000
2	Анализ спектра	Дона	3	6 000	18 000
3	Частотометр	Дона	3	3 000	6 000
4	Қўл анжомлари тўплами	Комплект	2	2 500	5 000
5	Уста столи	Дона	2	3 500	7 000
6	Бошқа турдаги мебель	Дона	3	2 500	5 000
7	Кондиционер	Дона	1	5 000	5 000
8	Хом ашё	Дона	1	10 000	10 000
	ЖАМИ		17		60 000

Юқоридаги харажатлардан ташқари ҳар бир бизнеснинг мувафаққиятини бевосита таъминловчи транспорт харажатлари ҳам инobatга олинган. Транспорт харажатлари - бу транспорт воситаларидан фойдаланувчи йўловчиларни ёки юкларни ташиш харажатлари ҳисобланади. Транспорт харажатлари транспортнинг таркибий қисми сифатида товарлар нархида қайд этилади. Транспорт харажатлари кўрсатиладиган хизмат турлари, шунингдек, юк тоифалари бўйича бир-биридан фарқланади. Республикамиз бўйлаб ўз логистик хизматларини таклиф этаётган ташкилотлар таҳлили натижасида 1 км. ҳисобига ўртача 2 000 сўмлик таъриф белгилангани аниқланди. Қайд этиш лозимки мазкур нарх ставкалари мамлакатимиз турли вилоят ва туманларида турличадир.

ТАШКИЛИЙ РЕЖА

Корхона банкдан олинадиган кредит маблағи ва унинг устама фоизларини кўрсатган хизматини сотишдан тушган фойда ҳисобидан қайтаришни кўзда тутган.

Корхонада шу давр ичида 2 та ходим фаолият олиб бориши режалаштирилган. Булар раҳбар ва мутахассис ишчилар. Корхона ўз олдида қўйган мақсади - лойиҳани амалга оширса, корхонада 2 та ишчи ўрни яратади.

Иш хақи фонди

3-Жадвал (минг сўм)

№	Лавозими	Ишчи сони	1 ойлик иш ҳақи	1 йиллик иш ҳақи	2 йиллик иш ҳақи	3 йиллик иш ҳақи	Жами
1	Раҳбар	1	1 500	18 000	19 800	21 780	59 580
	Солиқ 12%		180	2 160	2 376	2 613,6	7 149,6
2	Ишчи	1	1 000	12 000	13 200	14 520	39 720
	Солиқ 12%		120	1 440	1 584	1 742,4	4 766,4
3	Жами	2	2 500	30 000	33 000	36 300	99 300
			300	3 600	3 960	4 356	11 916
			2 800	33 600	36 960	40 656	111 216

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ

Ишлаб чиқариш режаси ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси, кредит ҳисобидан сотиб олинадиган асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ва техник имкониятидан келиб чиққан ҳолда тузилди.

Тамирланадиган ва техник хизмат кўрсатиладиган маҳсулот ҳажми, лойиҳа бўйича тўлиқ қувватда ишлаганда, йил давомида комплект турли хилдаги маиший техникани ташкил этади.

Ишлаб чиқариш режасини тузишда, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш жараёни ҳам эътиборга олинган.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАЙЁРЛАШ

Ишлаб чиқариш жараёни, ўзини ичига, олинаётган технологик асбоб-ускуналарни, ишлаб чиқариш объектини қайта мослаштириш тадбирлари ва шу тадбирлар билан боғлиқ харажатларни олади.

Хизмат кўрсатиш жараёнини ўрганишда, Ўзбекистон шароити, истеъмолчилар талаблари тўлиқ ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки мамлакатимиз ҳудудида қурилиш ривожини кундан кун ортиб, янги жамоат ва турар жой бинолари янги мавзелар, янги “city” лар қад кўтармоқда. Уларнинг ҳар бирида мазкур турдаги маҳсулотларга бўлган талаб жуда юқори. Бундан ташқари маҳалла, кўчалар аро ўз хизматларини халқни истагидаги ерга борган ҳолда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилса талабгирлар сони ва албаттаки фойда кутилганданда ортиқ натижани бериши табиий.

Ишлаб чиқариш жараёни.

Устахона нима билан шуғулланиши деярли тушунарли. У катта ва кичик маиший техникаларни таъмирлаш ва профилактика хизматларини таклиф қилади:

идиш ювиш машиналари;

музлатгичлар;
 кир ювиш машиналари;
 кондиционерлар;
 печлар,
 микротўлқинли печлар;
 Телевизорлар ва бошқалар.

1 та маиший техника тўпламини кўриқдан ўтказиш, қайта жиҳозлаш ва тайёр ҳолатга келтириш учун лойиҳада кўрсатилган шартларга кўра 3 иш куни лозим бўлади.

Бизнес-режада, бир ҳафтада иш куни 6 кун ҳисобида қабул қилинган.

4-жадвалда 1 та маиший техника тўпламини қайта таъмирлашга кетадиган харажатлар кўрсатилган.

4-Жадвал

1 та телевизор таъмирига кетадиган хом-ашё харажатлари

Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Сўмда	Жами сумма, сўмда
Экран	Дона	1	700 000	700 000
Колонкалари	Дона	1	200 000	200 000
Симлари	Метр	1	50 000	50 000
Майда деталлари	Дона	1	50 000	50 000
Жами:		4	1 000 000	1 000 000

1 та кир мошинаси таъмирига кетадиган хом-ашё харажатлари

Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Сўмда	Жами сумма, сўмда
Ойнаси	Дона	1	300 000	300 000
Кнопкалари	Дона	4	50 000	50 000
Мотори	Дона	1	600 000	600 000
Ички деталлари	Дона	4	100 000	100 000
Симлари	Метр	1	50 000	50 000
Шланги	Метр	1	50 000	50 000
Майда деталлари	Дона	4	50 000	50 000
Жами:		16	1 200 000	1 200 000

1 та музлатгич таъмирига кетадиган хом-ашё харажатлари

Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Сўмда	Жами сумма, сўмда
Мотори	шт	1	600 000	600 000
Чироқлари	шт	2	50 000	50 000
Ички деталлари	шт	5	150 000	150 000
Симлари	метр	1	50 000	50 000
Чўнтаклари	шт	2	100 000	100 000
Майда деталлари	шт	5	50 000	50 000
Жами:		16	100 000	1 000 000

МОЛИЯВИЙ РЕЖА

1 та маиший техникага хизмат кўрсатиш нархи, мазкур соҳа бозорининг, ушбу маҳсулот турига бўлган нархлар таҳлили асосида белгиланади.

5-жадвал

№	Кўрсатиладиган хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Жами кўрсатиладиган хизмат кунига
1	Маиший техника кўриги	Дона	15
2	Маиший техникаларга қисмларини алмаштириш	Дона	5
3	Ёқилғи, мой маҳсулотларини алмаштириш	Дона	10
	ЖАМИ		40

Юқорида қайд этилган кўрсаткичлар асосида 6 –жадвалда, бир йил ичида хизмат кўрсатиш қуввати ва режалаштирилган жами тушум кўрсатилган.

100 % қувват билан ишлаганда 1 йил давомида тушиши кутиладиган тушум миқдори 483 522 000,0 сўмни ташкил этади.

**100% қувват билан ишлаганда 26 кун ва 12 ой ҳисобидан,
1 йилда тушадиган тушум**

6-жадвал (минг сўм)

№	Хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Нархи	1 ойда		1 йилда	
				Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
1	Маиший техника кўриги	Дона	20	390	7 800	4 680	93 600
2	Маиший техникаларга қисмларини алмаштириш	Дона	300	130	39 000	1 560	468 000
3	Ёқилғи, мой маҳсулотларини алмаштириш	Дона	20	260	5 200	3 120	62 400
	ЖАМИ			780	52 000	9 360	624 000

Кўрсатиладиган хизматлар учун талаб этиладиган зарурий эҳтиёт қисмлар харажати 7-жадвалда кўрсатилган.

7-жадвал (минг сўм)

№	Хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Нархи	1 ойда		1 йилда	
				Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
1	Маиший техникаларга қисмларини харид қилиш	Дона	250	130	32 500	1 560	390 000
2	Ёқилғи, мой маҳсулотларини алмаштириш	Дона	15	260	3 900	3 120	46 800
	ЖАМИ			390	36 400	4 680	436 800

Кўрсатиладиган хизматлар учун сарфланадиган коммунал харажатлари
8-жадвалда кўрсатилган.

8-жадвал (минг сўм)

№	Хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Нархи	1 ойда		1 йилда	
				Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
1	Электро энергия	Квт	295	678	200	8 135	2 400
2	Совуқ сув	м ³	3 695	13,5	50	162,4	600
	ЖАМИ	-	-	-	250	-	3 000

Ўзгариш кўрсаткичи маҳсулотлар мавсум миқёсида ташкилотнинг
ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш салоҳиятидан келиб чиқиб белгиланган.

9-жадвалда лойиҳани амалга ошириш учун жалб этилган кредит
маблағини қайтариш ва кредитдан фойдаланганлик фоизларини тўлаш схемаси
кўрсатилган.

Кредитни қайтариш жадвали

9-жадвал

Кредит миқдори: 50 000 000 сўм
Кредит фоизи: 16%
Кредит муддати: 36 ой
Имтиёзли давр: 6 ой

№	Кредит суммаси	Асосий қарз	Фоиз	Жами тўлов
1	50 000 000,0		666 666,7	666 666,7
2	50 000 000,0		666 666,7	666 666,7
3	50 000 000,0		666 666,7	666 666,7
4	50 000 000,0		666 666,7	666 666,7
5	50 000 000,0		666 666,7	666 666,7
6	50 000 000,0		666 666,7	666 666,7
7	50 000 000,0	1 666 666,7	666 666,7	2 333 333,3
8	48 333 333,3	1 666 666,7	644 444,4	2 311 111,1
9	46 666 666,7	1 666 666,7	622 222,2	2 288 888,9
10	45 000 000,0	1 666 666,7	600 000,0	2 266 666,7
11	43 333 333,3	1 666 666,7	577 777,8	2 244 444,4
12	41 666 666,7	1 666 666,7	555 555,6	2 222 222,2
	1-йил	10 000 000,0	7 666 666,7	17 666 666,7
13	40 000 000,0	1 666 666,7	533 333,3	2 200 000,0
14	38 333 333,3	1 666 666,7	511 111,1	2 177 777,8
15	36 666 666,7	1 666 666,7	488 888,9	2 155 555,6
16	35 000 000,0	1 666 666,7	466 666,7	2 133 333,3
17	33 333 333,3	1 666 666,7	444 444,4	2 111 111,1
18	31 666 666,7	1 666 666,7	422 222,2	2 088 888,9
19	30 000 000,0	1 666 666,7	400 000,0	2 066 666,7
20	28 333 333,3	1 666 666,7	377 777,8	2 044 444,4
21	26 666 666,7	1 666 666,7	355 555,6	2 022 222,2
22	25 000 000,0	1 666 666,7	333 333,3	2 000 000,0
23	23 333 333,3	1 666 666,7	311 111,1	1 977 777,8
24	21 666 666,7	1 666 666,7	288 888,9	1 955 555,6
	2-йил	20 000 000,0	4 933 333,3	24 933 333,3

№	Кредит суммаси	Асосий қарз	Фоиз	Жами тўлов
25	20 000 000,0	1 666 666,7	266 666,7	1 933 333,3
26	18 333 333,3	1 666 666,7	244 444,4	1 911 111,1
27	16 666 666,7	1 666 666,7	222 222,2	1 888 888,9
28	15 000 000,0	1 666 666,7	200 000,0	1 866 666,7
29	13 333 333,3	1 666 666,7	177 777,8	1 844 444,4
30	11 666 666,7	1 666 666,7	155 555,6	1 822 222,2
31	10 000 000,0	1 666 666,7	133 333,3	1 800 000,0
32	8 333 333,3	1 666 666,7	111 111,1	1 777 777,8
33	6 666 666,7	1 666 666,7	88 888,9	1 755 555,6
34	5 000 000,0	1 666 666,7	66 666,7	1 733 333,3
35	3 333 333,3	1 666 666,7	44 444,4	1 711 111,1
36	1 666 666,7	1 666 666,7	22 222,2	1 688 888,9
3-йил		20 000 000,0	1 733 333,3	21 733 333,3
Жами		50 000 000,0	14 333 333,3	64 333 333,3

Лойиҳанинг 3 йил ичида амалга оширилиши натижасида кутилаётган молиявий кўрсаткичлар 10-жадвалда акс этирилган.

МОЛИЯВИЙ РЕЖА СХЕМАСИ

Ҳар қандай бизнесни ривожлантириш ва кутилган даромадлиққа эришиш борасида маркетинг алоҳида ўрин эгаллайди. Маркетингнинг мақсади - янги мижозларни маҳсулот, товар ёки хизмат учун жалб қилиш, уларга юқори истеъмол сифатини таклиф қилиб, эски мижозларни сақлаб қолган ҳолда уларнинг тинимсиз ўзгариб турувчи эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Маркетинг асосида бозорни ҳар тарафлама ўрганиш йўналишларининг асосийларидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш зарур:

- талабни ўрганиш;
- бозор таркибини аниқлаш;
- товарни ўрганиш;
- рақобат шароитларини тадқиқ қилиш;
- сотиш шакли ва услубларини таҳлил этиш.

Ҳар бир фирма ўз реклама фаолиятини реклама агентларини ёллаш ёки реклама хизматини тузиш ёки махсус реклама агентликлари хизматларидан фойдаланиш асосида амалга оширади. Рекламанинг самарадорлиги кўп жиҳатдан талабни ўрганишни ташкил қилишга боғлиқ бўлиб, харидорлар доирасини аниқлаш ва уларга таъсир ўтказиш усулларига ёрдам беради. Ҳозирги даврда реклама матбуот, радио, телевидения ва албаттаки интернет орқали олиб борилади, махсус реклама роликлари намоиш этилади.

Реклама қилиш, сотиш шакли ва услуби ҳар бир корхона фаолияти, кўрсатилувчи хизматига асосан турличадир. Шу ўринда мазкур бизнесда маҳсулотлар ҳақида истеъмолчиларга маълумот беришнинг энг оптимал йўлларида бири бу “флаер”, яъни маҳсулот ҳақидаги қисқа ва аниқ маълумотлар келтирилган, ўзгача дизайн асосида тайёрланган тарқатма қоғозлар, мижозларга барча маълумотларни тезкор, ишончли ва доимий

равишда етказиши кўпгина муваффақиятли корхоналар томонидан ҳам синалгандир.

1 – жадвал (минг сўм)

Номи	1 йил	2 йил	3 йил
Тушадиган ялпи даромад	624 000	686 400	755 040
Эҳтиёт қисмлар учун харажат	436 800	480 480	528 528
Коммунал тўловлар учун харажат	3 000	3 300	3 3630
Ойлик иш ҳақи харажати	33 600	36 960	40 656
Фойда	187 163,4	205 879,7	226 467,7
Кредит қайтариш (фоизи билан)	17 666,7	24 933,3	21 733,3
Солиқ 4%	7 485,8	8 234,2	9 057,8
Соф фойда	179 659,	197 620,6	217 388,1

ХУЛОСА

Банкнинг ҳамкорликдаги фаолияти, кредит маблағи бериш кафолати натижасида, ушбу маблағнинг ўз вақтида берилиши, унинг ўз вақтида ва мақсадли фойдаланиши, ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш, ишчи кучи етарли бўлгани ҳолда корхона олинган кредит маблағининг устамаси билан ўз вақтида қайтариш имкониятига эгадир. Ушбу маблағдан фойдаланиш натижасида ўз айланма маблағига эга бўлади, хизмат кўрсатиш орқали аҳолининг ушбу хизмат турларига бўлган талаби нисбатан қондирилади. Бу эса Республикамизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришда салмоқли ҳисса бўлади.

Ушбу лойиҳани амалга оширилиши, лойиҳа ташаббускори фикрини ҳаётга татбиқ этишга, ҳамда Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатларга ўз улушини қўшишга имкон яратилади.

« _____ » ХК
